

ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА РАДИКАЛИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНДА ИСЛОМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ РАДИКАЛИЗМУ И ЭКСТРЕМИЗМУ В ЗАПАДНЫХ СТРАНАХ И РОЛЬ ИСЛАМСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ

COMBATING TO RADICALISM AND EXTREMISM IN WESTERN COUNTRIES AND THE ROLE OF ISLAMIC ORGANIZATIONS

Hasanboyev UTKIR MELIBOYEVICH,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN,

Adviser of Rector;

E-mail: hasanbaevuz.umi@mail.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2023/1/6

Аннотация: Мақола Ғарб мамлакатларида радикаллашув ва экстремизмга қарши кураш ҳамда маҳаллий ислом ташкилотларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини тадқиқ этишга бағишланган.

Мавзунинг долзарблиги бугунги кунда Марказий Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистон ҳам юқоридаги таҳдидларга дуч келаётгани ҳамда илгор хорижий тажрибани ўрганишга эҳтиёж мавжуд экани билан белгиланади.

Мақолада тарихийлик усули, таркибий ва тизимли ёндашув ҳамда дедукция, синтез каби мантиқий таомилларни ҳисобга олган ҳода умумий илмий усуллардан фойдаланилган.

Европадаги ёш мусулмонларнинг радикаллашуви муаммоси 2010-йилларнинг ўртасида Сурия ва Ироқдаги террорчилик ташкилотлари сафига келиб қўшилаётган хорижлик жангариларнинг сони кескин ортган вақтда айниқса кескин тус олган.

Европа Иттифоқида амалга ошириб келинган мультикультуризм сиёсати ўзини оқламаган. Европа шаҳарларидаги “мусулмон квартал”лар зўравонлик экстремизми ривожланиши учун қулай ижтимоий муҳитга айланган.

Ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар Буюк Британия, Германия ва Франция каби Европанинг етакчи давлатларининг фуқаролари дин ниқобидаги экстремизм муаммосидан жиддий ташвишда эканини кўрсатади.

Германия ва Франция каби мамлакатларнинг таълим муассасалари, айниқса, мактабларда талаба ва ўқувчи ёшлар орасида диний мутаассиблик ва экстремизм зоялари чуқур илдиз отиб бормоқда.

2010-йилларда Европанинг қатор мамлакатларида террорчилик ҳаракатлари содир этилгандан сўнг, миллий ҳукуматлар томонидан радикаллашув ва зўравонлик экстремизмга қарши ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқиши ва амалиётга киритиши йўналишида изчил фаолиятни бошланганлар.

Европа мамлакатларидаги радикаллашувга қарши курашга ба-ишланган дастурлар асосий йўналишлар сифатида мусулмон диаспораларини маҳаллий жамиятга тўлиқ интеграция қилиши, хусусан “мусулмон анклавлари” билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиши, ушбу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришини кўзда тутди.

Мазкур дастурларга кўпроқ давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари жалб қилинади.

Европадаги ислом ташкилотлари турли уюшмаларга биришгани, ягона марказлашган бошқарув тузилмасига эга эмаслиги, диний мутаассиблик ва экстремизмга нисбатан ягона муносабат шаклланмагани, шунингдек, мусулмонларнинг кенг оммаси орасида обрў-эътиборга эга уламолар ва зарур кўникмаларга эга мутахассисларнинг танқислиги сабабли зўравонлик экстремизмга қарши курашда катта самара кўрсата олаётгани йўқ.

Мақолада Ғарб мамлакатларида радикаллашув ва экстремизмга қарши курашда ислом ташкилотларининг ўрни тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: зўравонлик экстремизми, радикаллашув, “Contest”, Active Change Foundation, “Quilliam Foundation”, Deutsche Islam Konferenz, “Haфрам тарғиботчилари”, Islamische Gemeinschaft in Deutschland “параллел” жамиятлар, Франция “Ислом сепаратизми тўғрисида”ги Қонуни, Франция “Дунёвийлик Хартияси”.

Аннотация: статья посвящена исследованию противодействия радикализму и экстремизму в западных странах, а также деятельности в этих странах исламских организаций в данном направлении.

Актуальность темы определяется тем, что в настоящее время республики Центральной Азии, в том числе Узбекистан, сталкиваются с вышеуказанными угрозами и существует потребность в изучении передового международного опыта.

В статье использованы общенаучные методы с учетом исторического, содержательного и системного подхода, принципов дедукции и синтеза.

Проблема радикализации мусульманской молодежи получила особую остроту в середине 2010-х годов, когда в Ираке и Сирии резко возрос поток иностранных боевиков в ряды террористических организаций.

При этом, осуществляемая Европейским Союзом политика “мультикультуризма” не оправдала себя. Т.н. “мусульманские кварталы” европейских городов превратились в удобную социальную среду для распространения идей насильственного экстремизма.

Проводимые социологические опросы и исследования показывают, что граждане ведущих европейских стран таких как Великобритания, Германия, Франция серьезно

озабочены усилением распространения идеологии религиозного экстремизма.

В статье отмечается глубокое проникновение идей религиозного фанатизма и экстремизма в образовательные учреждения, особенно в школы в Европе.

После террористических акций, совершенных в 2010-х годах в ряде европейских стран правительства большинства западных государств начали интенсивную разработку и реализацию социальных программ по противодействию радикализму и насильственному экстремизму.

Европейские программы дерадикализации в качестве основных направлений деятельности рассматривают полную интеграцию мусульманских диаспор в местное общество, решению социальных проблем “мусульманских анклавов” и совершенствованию законодательной базы.

Надо отметить, что в данные программы в основном привлекаются представители государственных учреждений, местных властных органов и негосударственных неправительственных организаций.

Исламские организации европейских стран в условиях отсутствия единого централизованного управления, общепринятой позиции в отношении вопросов борьбы с религиозным фанатизмом и радикализмом, а также дефицита авторитетных духовных лидеров и подготовленных специалистов, не проявляют особой эффективности в противодействии насильственному экстремизму.

В статье также рассматриваются вопросы противодействия радикализации и экстремизму в странах Запада и роль исламских организаций.

Ключевые слова: насильственный экстремизм, радикализация, “Contest”, Active Change Foundation, “Quilliam Foundation”, Deutsche Islam Konferenz, “Проповедники ненависти”, Islamische Gemeinschaft in Deutschland “параллельные” общества, Закон Франции “Об исламском сепаратизме”, “Хартия светскости” Франции.

Abstract: The article studies radicalization and the fight against extremism in western countries, as well as the activities of local Islamic organizations in this sphere.

The actuality of the topic is determined by the fact that the Central Asian republics, especially Uzbekistan, are also facing the above threats and there is a need to study advanced foreign experience.

The article uses the historical method, the structural and systematic approach, as well as general scientific methods taken into account logical methods such as deduction and synthesis.

The problem of radicalization of young Muslims in Europe became particularly acute in the mid of 2010s when the number of foreign fighters joining terrorist organizations in Syria and Iraq increased dramatically.

The policy of multiculturalism implemented in the European Union has not justified itself. “Muslim Blocks” in European cities have become a favorable social environment for the development of violent extremism.

Social surveys and research show that the citizens of leading European countries such as Great Britain, Germany and France are seriously concerned about the problem of extremism under the guise of religion.

The ideas of religious fanaticism and extremism are taking deep root among students and young people in educational institutions of countries like Germany and France, especially in schools.

After the terrorist attacks in several European countries in 2010, the national governments started consistent activities in the direction of development and implementation of social projects against radicalization and violent extremism.

The programs dedicated to the fight against radicalization in European countries envisage full integration of Muslim diasporas into the local society, in particular, solving social problems related to “Muslim enclaves”, improving national legislation in this field.

The representatives of state agencies, local authorities and non-governmental organizations are mainly involved in these programs.

The Islamic organizations in Europe have not been able to effectively fight against violent extremism due to the fact that they are united in various associations, they do not have a single centralized management structure, a strict attitude towards religious fanaticism and extremism has not been formed, and they have also a lack of respected clerics and specialists with the necessary skills among the general Muslim population.

The article examines the role of Islamic organizations in the fight against radicalization and extremism in Western countries.

Key words: violent extremism, radicalization, “Contest”, Active Change Foundation, “Quilliam Foundation”, Deutsche Islam Konferenz, “Hatemongers”, Islamische Gemeinschaft in Deutschland “parallel” societies, French “Islamic Separatism Law”, French “Charter of Secularism”.

КИРИШ

Сўнгги йилларда Европа мамлакатлари ҳукуматлари учун борган сари кенгайиб бораётган мусулмон диаспораси орасида зўравонлик экстремизми ғояларининг тарқалишини олдини олиш хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги асосий муаммолардан бирига айланмоқда.

Мусулмон диаспораларининг давлат ва жамиятдан ижтимоий жиҳатдан бутунлай алоҳида анклавлар шаклида ҳаёт кечиришга интилишлари воқеликка салбий таъсир ўтказмоқда. Айни вақтда жамиятдаги мигрант мусулмонларга нисбатан салбий муносабат миллатчилик, неонацизм ва “исломофобия”нинг кучайишига олиб келмоқда.

Германиянинг Марказий ислом архив институти маълумотларига кўра, 2007 йили Европадаги

МУҲОКАМА

мусулмонларнинг умумий сони 53 миллионга яқин бўлган. Улардан 16 миллиондан зиёди Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳудудларида истиқомат қилади (<http://www.islam.de/8368.php>. In Europa leben gegenwärtig knapp 53 Millionen Muslime. Zentralinstitut Islam-Archiv stellt neue Europastatistik vor. “Islam.DE”, 08.05.2007). Бу рақам 2010–йилларда Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан кириб келган қочкинларни ҳисобга олмайди.

Сўнгги йилларда Европа шаҳарларидаги “мусулмон квартал”лар зўравонлик экстремизми ривожланиши учун қулай ижтимоий муҳитга айланган. Ғоявий тарғибот мутаассиб тафаккурга эга имомлар ёки Яқин Шарқ ва Афғонистонда бўлиб қайтган жангарилар томонидан амалга оширилади. Масалан, Бельгиянинг пойтахти Брюссель шаҳрининг Моленбек тумани шундай ҳудудлардан бири бўлиб, 2015-2016 йилларда Париж ва Брюсселда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг аксарият қатнашчилари ушбу жойда истиқомат қилган.

Ёш мусулмонларнинг дунёқарашига диний экстремизм ғояларини тарғиб қилаётган ижтимоий тармоқлар ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Лондон, Мадрид, Париж ва Брюссель шаҳарларида амалга оширилган террорчилик ҳужумлари иштирокчилари орасида Европа мамлакатлари паспортига эга ёшлар ҳам бўлгани фикримизга далил бўлади.

Европадаги ёш мусулмонларнинг радикаллашуви муаммоси “Араб баҳори” бошлангандан сўнг айниқса кескин тус олди. Юзлаб европалик ёш эркак ва аёллар Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларидаги террорчи гуруҳлар эгаллаб турган ҳудудларга бориб, жанговар тажриба орттириши, қўшимча мафкуравий ишловдан ўтиб келиши Европа хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда (Яшлавский А., 2015:18-29).

Шу сабабли, “Араб баҳори”дан сўнг деярли бир вақтда ўша пайтдаги Германия канцлери А.Меркель, Франция президенти Н.Саркози ва Буюк Британия бош вазири Д.Кэмерон Европа мультикультуризм сиёсати ўзини оқламаганини тан олди ҳамда миллий давлатлар доирасида радикаллашувга қарши лойиҳалар изчил ишлаб чиқиладиган бўлди.

УСЛУБЛАР

Мақолада муаммони ёритишда тарихийлик усули, таркибий ва тизимли ёндашув ҳамда дедукция, синтез каби мантикий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда умумий илмий усуллардан фойдаланилган.

Европада радикаллашув ва зўравонлик экстремизмга қарши қаратилган ҳукумат дастурлари муайян мамлакатларда тарихан шаклланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва миллий-конфессионал шароитдан келиб чиққан ҳолда ўзаро фарқ қилади.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг умумий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- қонун ва давлат дастурлари асосида радикаллашув ва терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш;

- аҳолининг мусулмон қисмини Европа социумига тўлиқ интеграция қилишга ҳаракат қилиш;

- ислом ташкилотларининг ягона бошқарув тизимига эга бўлган ва давлатга тўлиқ хайрхоҳ бўлган иттифок ёки кенгаш шаклидаги тузилмасини яратиш.

Мавжуд вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган умумий омиллар каторида Яқин Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудида бўлиб қайтган жангариларнинг мавжудлиги, кўпчилик мусулмон ташкилотлари хориждаги исломий марказларнинг ғоявий ва моддий кўмаги билан фаолият юритиши, шунингдек, мусулмон анклавлари, ушбу ҳудудлардаги таълим муассасаларида талаба ва ўқувчилар орасида диний мутаассиблик ва тоқатсизлик ғоялари тарғиботи кучайиб бораётганини қайд этиш мумкин.

Европа Комиссияси томонидан радикаллашувга қарши кураш йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида 2011 йилда “Радикаллашувни ўрганиш уюшмаси (Radicalisation Awareness Network)” ташкил этилган.

Буюк Британияда диний соҳани тартибга солишчи алоҳида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ва ваколатли орган мавжуд эмас. Терроризмга қарши кураш йўналишда қабул қилинган қонуний ҳужжатларга зид келмаган ҳар қандай диний фаолиятга рухсат берилган. Ушбу либерал муносабат, шунингдек айрим сиёсий доираларнинг хайрхоҳ муносабатда бўлиб келгани сабабли узоқ даврлар мобайнида Буюк Британия турли радикал оқим аъзолари учун паноҳ бўлиб келган. Жумладан “Ҳизбут-таҳрир”, “Ал-Жиход”, ХАМАС каби ташкилотлар, Шайх Умар Абу Бакр каби мутаассиб илоҳиётчилар очик фаолият юритиб келган.

Мамлакатда кенг кўламли аксилтеррорчилик стратегияси 2003 йилда қабул қилинганига қарамай, радикализмга қарши “Contest” номли дастур

фақат 2005 йилда Лондон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг қабул қилинган. Мазкур дастур радикаллашув омилларини бартараф этиш, террорчилар ва уларнинг ҳомийларини таъқиб қилиш, Буюк Британия давлати ва жамиятини ҳимоя қилиш ва террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш каби тўртта компонентдан иборат (Angel Rabasa, Stacie L. Pettyjohn, Jeremy J., 2010:214).

Дастлаб хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳукумат мазкур дастур доирасида келажақда британия жамиятида диний асосда низолар келтириб чиқариши мумкин бўлган мутаассиблик ғояларини тарғиб қилувчи салафий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилган. Фақат 2000-йилларнинг охирида Буюк Британия ҳукумати диний мутаассиблик ғояларини тарғиб қилувчи “Британия мусулмонлари кенгаши” каби салафий ташкилотлар билан алоқаларни узиб, мўтадил ислом тарафдорларини қўллаб-қувватлашга ўтди.

“Contest” дастурининг учинчи компоненти доирасида “Channel Project (Канал)” лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа маҳаллий мусулмон жамоалари, ҳукумат ва полиция ҳамкорлигида радикаллашувга мойиллиги бўлган ёки зўравонлик экстремизми ғояларини тарғиб қилаётган шахсларни аниқлаш ва уларни соғлом дунёқарашга қайтаришга йўналтирилган.

Британияда радикаллашув ва зўравонлик экстремизмга қарши фаолият олиб бораётган мўтадил ислом ташкилотлари қаторида 2005 йилдан фаолият юрита бошлаган “Британия прогрессив мусулмонлари” ва “Британия мусулмонлари форуми” каби уюшмаларни кўрсатиш мумкин. Хусусан “Британия прогрессив мусулмонлари” уюшмаси ўз олдига зўравонлик экстремизмга қарши кураш, мусулмонларни британия жамиятига интеграция қилишга ёрдам бериш, жинслар тенглиги, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги, диний бағрикенглик, демократия каби умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишни мақсад қилган.

Радикал ғояларга қарши кураш йўналишида 2007 йилда ташкил этилган “Квиллям (Quilliam Foundation)” Фонди ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Фонд “Ҳизбут таҳрир” ташкилотининг собиқ аъзолари бўлган Эд Хусайн ва Мажид Наувоз томонидан ташкил этилган. Фонд вакиллари радикаллашув ва зўравонлик экстремизм муаммоларига қарши ОАВда материаллар тарқатиш, маърузалар қилиш ва илмий дастурларда иштирок этиш, имомлар, ўқитувчилар, полиция ходимлари ва маъмурий ходимлар билан учрашувлар ўтказиш, радикал ғоя тарғиботчилари

билан очик баҳслар уюштириш каби йўналишларда фаолият юритмоқда.

Шунингдек, Буюк Британияда, кам сонли бўлса-да, зўравонлик экстремизми ғояларининг таъсирига тушиб бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш билан шуғулланувчи ислом ташкилотлари мавжуд.

Мазкур йўналишдаги энг кўзга кўринган ташкилот Лондон шаҳрида жойлашган “Фаол ўзгартириш Фонди (Active Change Foundation, ACF)” ҳисобланади. Ушбу Фонд диний экстремизм бўйича амалиётчи бўлган ака-ука Ханиф ва Имтиёз Қодир, Майк Джервис исмли шахслар томонидан ташкил этилган. Х.Қодир аввал Афғонистонда жангарилар таркибида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, кейинчалик ўзининг радикал қарашларидан воз кечган. Фонд экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган ёш мусулмонлар билан индивидуал ишлашга эътибор қаратади (Мухаметзарипов И., 2017:62-73).

2009 йил март ойида Буюк Британия ҳукумати томонидан радикаллашувга қарши амалга оширилган ишларнинг таҳлили асосида “Contest-2” дастури қабул қилинган. Ушбу дастурда асосий урғу радикаллашув ва зўравонлик экстремизм ғоялари тарқалишини олдини олишга асосий эътибор берилган.

Германияда давлат ва диний ташкилотлар ажратилган. Диний соҳада алоҳида ваколатли давлат органи мавжуд эмас. Экстремизмга қарши кураш масалаларида назорат ГФР Конституцияни ҳимоя қилиш федерал хизмати (Bundesamt für Verfassungsschutz, BfV) томонидан амалга оширилади.

Давлат диний жамоатларни бошқаришга аралашмайди. Диний ташкилотлар билан муносабатлар расмий шартномалар асосида мувофиқлаштирилган. Ушбу шартнома тузиш учун диний конфессия “тан олинган диний уюшма” мақомига эга бўлиши керак. Шартнома асосида ушбу конфессияга тегишли ташкилотлар “жамоат ҳуқуқи субъекти” мақомини олади ҳамда муайян имтиёзларга эга бўлади. Ислон дини “тан олинган диний уюшма” мақомига эга эмас.

Германия миграция ва қочқинлар бўйича Федерал идораси маълумотларига кўра, мамлакатда 5,3–5,6 миллион нафар мусулмон истикомат қилиб, улар аҳолининг тахминан 6,5 фоизини ташкил этади (<http://85.217.170.64/ru/za-pjat-let-chislo-musulman-v-germanii-vozslo-pochti-na-million/a-57367813>).

Германияда зўравонлик экстремизмга қарши курашнинг умумий чора-тадбирлари “Федерал ҳукуматнинг экстремизмни олдини олиш ва

демократияни ривожлантириш” номли ҳужжатда акс эттирилган. Ушбу ҳужжатда баён этилган ёндашувлар доирасида радикал қарашларга қарши курашга фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш, ёшлар билан маърифий ишларни кучайтириш, шунингдек мавзуга оид консултиватив хизмат кўрсатиш каби ишлар амалга оширилмоқда (www.bmfsfj.de/blob/115448/cc142d640b37.28.12.2019).

Германиядаги марказлашган исломий ташкилотлар диний мутаассиблик ва зўравонлик экстремизмига қарши курашда ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажара олаётгани йўқ. Буни асосий сабаби сифатида Германияда мусулмонлар орасида нуфузли ислом ташкилотлари уюшмалари хориждаги марказларнинг таъсири остида бўлса, аксинча, ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилган марказлашган ислом ташкилотлари мусулмон диаспораси ичида етарли обрў-эътиборга эга эмаслигини қайд этиш мумкин.

Жумладан, 1980-йилларда тузилган ГФР Ислом кенгаши 37 та, асосан туркийзабон ислом ташкилотларини бирлаштирган. Германия мусулмонлари Марказий кенгаши эса кўпроқ араб ва мультиэтник исломий жамоатлардан иборат бўлган 21 та ташкилотни ўз ичига олган.

Германия ҳукумати 2007 йилда юқоридаги икки кенгаш устидан назорат ўрнатиши кўзда тутилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузган. Бироқ йирик ислом ташкилотлари ушбу кенгаш фаолиятида иштирок этишни хоҳламагани сабабли, унинг Германия мусулмонлари жамоатларига таъсири сезиларли бўлмади.

Ҳукумат томонидан давлатга хайрхоҳ бўлган мусулмон ташкилотларни аниқлаш ҳамда келажақда давлат ва жамиятга тўлақонли ингерациялаш, шунингдек радикал мафкурани тарғиб қилаётган гуруҳларнинг фаолиятини чегаралаш мақсадида амалга оширилган лойиҳалардан бири сифатида 2006 йилда фаолияти йўлга қўйилган “Германия Ислом конференцияси (Deutsche Islam Konferenz, DIK)” ташкилотини қайд этиш мумкин.

Мазкур ташкилот ўша даврда ички ишлар вазири лавозимида ишлаган Христиан-демократия партияси вакили Вольфганг Шойбле ташаббуси билан ташкил этилган (<http://www.deutsche-islam-konferenz.de/>. Deutsche Islam Konferenz (DIK).

Гояга кўра, ГИКга аъзо бўлган ислом ташкилотлари “жамият ҳуқуқи субъекти” мақомини олиши ҳамда давлат томонидан черковларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин бўлган.

Шу билан бирга, Германия ҳукумати тепасига келган партиялар томонидан ГИК фаолиятига турлича муносабатда бўлиб келингани, умуман ички сиёсатда давлат ва ислом орасидаги муносабатларда партиялараро рақобатдан устувор ягона муносабат шаклланмагани боис, ушбу ташкилотнинг фаолияти ҳозирга қадар жиддий ижобий самара бергани йўқ.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий мутахассислар бугунги кунда Германия мамлакатадаги ижтимоий барқарорликка “жиходий жамоалар” билан бир қаторда, расман фаолият юритаётган айрим ислом ташкилотлари ҳам салбий таъсир ўтказётганини қайд этмоқдалар. Хусусан, мамлакатдаги энг йирик ислом ташкилотларининг бири 1976 йили Кёльнда ташкил этилган “Милли Гёрюш” (Islamische Gesellschaft Milli Görüs, IGMG) ташкилоти ҳисобланади. Ташкилот Германияда 323 та, умуман Европада эса 514 та масжидларнинг фаолиятини назорат қилади (<http://www.igmg.de/index.php?module=ContentExpress&func=display&ceid=191&bid=18&bttitle=&meid=247>; Yurdakul G., 2009:90).

BfV мазкур институтнинг ўқув дастури ёшларни “араблаштириш” ва “қайта исломлаштириш”га йўналтирилган деб ҳисоблайди.

“Дин ишлари бўйича турк-ислом иттифоқи” ассоциацияси (DITIB) таркибига Германиядаги 2600 та масжиддан 950 таси киради. Германия маъмурлари томонидан мазкур ташкилот аъзолари мусулмонлар орасида Европа жамиятига мослашиш ва унинг кадриятларини қабул қилишни рад этишга тарғиб этишлари кузатилгани қайд этилади (<https://web.archive.org/web/20100704214902/http://www.verfassungsschutz.de/download/SHOW/vsbericht2009.pdf>).

Германия ҳудудидаги бошқа йирик исломий марказ 1960 йилда ташкил этилган Германия ислом уюшмаси (IGD, Islamische Gemeinschaft in Deutschland) ҳисобланади. Асосий қароргоҳи Кёльнда жойлашган ушбу уюшманинг йирик филиаллари Мюнхен, Нюрнберг, Штутгарт, Франкфурт-Майн, Мюнстер шаҳарларида жойлашган. BfVнинг баёнотида кўра, IGD тузилгандан буён Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” ташкилоти билан мустаҳкам алоқаларга эга ҳамда унинг ашаддий тарафдори ҳисобланади (<https://www.kas.de/web/islamismus/diemuslimbruderschaft-in-deutschland>).

Бунинг устига, Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ҳудудида, хусусан Берлин шаҳрида қатор масжидларни салафий имомлар бошқармоқда. Ушбу уламоларнинг маърузаларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида шариат аҳқомларини киритишни

тарғиб этилади. Жумладан, Берлин шахрининг Веддинг туманида жойлашган “Ас-Сахаба” масжиди бош имом-хатиби Абул Бараа радикал чиқишлари билан танилган. Абул Бараа ўз маърузаларида салафийларнинг бошқа одамлардан устун экани, “мусулмон” ва “кофир”ларни ажратиш зарурлиги каби мавзуларни ёритиб келади (Андреева Л., 2019:110-121).

Франкфурт глобал ислом тадқиқоти маркази директори Сюзанна Шрётер Абул Бараанинг чиқишларини баҳолаб, “у динсизларни ўлдиришга чақирса, қамалишини, бироқ, мурасасизликни тарғиб этса, жавобгарликка тортилмаслигини билади” деб қайд этган (https://www.focus.de/politik/deutschland/verfassungsschutz-machtlos-radikale-imame-rufen-indeutschen-moscheen-zu-hass-auf_id_9918828).

Германияда радикал ғояларни тарғиб қилувчи уламоларга нисбатан “Нафрат тарғиботчилари” (нем. Hassprädiiger) атамаси қўлланиши кенг тарқалган. Кўп мухлисларга эга бу каби “нафрат тарғиботчилари” қаторида 2005 йили мамлакатдан чиқариб юборилган, “Кёльнлик муфтий” номи остида машҳур бўлган, ашаддий радикал салафий ғоялар тарғиботчиси Метин Каплан, исломни қабул қилган ёш немис радикали Пьер Фогелни қайд этиш мумкин (Погорельская С., 2011:99).

BfVнинг маълумотларига кўра, бу каби тарғиботчиларнинг фаолияти оқибатида 2011–2011 йилларда мамлакатдан 1070 нафар шахс Яқин Шарқ ҳудудидаги террорчилик ташкилотлари сафига бориб қўшилган (https://upe-journal.ru/files/2021_APE_4_Погорельская_CB.pdf).

Германия жамиятида ARD телеканалининг собиқ журналисти Иохим Вагнернинг 2018 йили чоп этган “Масжиднинг кучи” номли китоби кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. И.Вагнер мамлакатнинг мусулмон ўқувчилари кўп бўлган 21 та мактабда тадқиқотлар ўтказган. Ўрганишлар асосида ушбу таълим муассасалари ўқувчилари орасида сиёсийлаштирилган исломий ғоялар кенг илдиз отаётганини ва диний асосда низолар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани ҳақида хулоса берган. Собиқ журналист тадқиқот ўтказилган мактабларда диндор ота-оналар ва исломий ташкилотлар мактаб маъмуруларига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётгани, айни вақтда мусулмонларни герман жамиятига интеграция қилиш манфаатлари йўлида юқоридаги хатарли ҳолатларга етарли баҳо берилмаётганини қайд этган (Wagner J., 2018:304).

2019 йилда Франкфурт глобал ислом тадқиқоти маркази директори профессор Сюзанн Шрётер ўзининг “Сиёсий ислом” номли фундаментал

асарида ислом дини ниқоби остидаги радикаллашув ҳақида фикр юритиб, можароларнинг асосий манбаи сифатида мактабларни эътироф этган.

Профессор мусулмон ўқувчилар томонидан тенгдошларига нисбатан зўравонлик амалга оширилаётгани, айрим мактаб маъмуриятилари резонанслардан кўркиб, диндор ота-оналар ва ислом ташкилотларининг талабларига бўйсинаётганига эътибор қаратган. Айни пайтда сиёсатчилар радикал исломлашувга нисбатан аниқ муносабат билдиришдан ўзларини олиб қочаётгани таъкидланган (Schröter S., 2019).

Мавжуд таҳдидлар сабабли 2014 йили Германияда “Ислом давлати” террорчи ташкилотининг фаолияти ва рамзлари ман этилди. БМТнинг 2178-сонли резолюцияси қабул қилингандан сўнг, радикал кайфиятдаги фуқароларнинг хориждаги ҳарбий ҳаракатлар кетаётган ҳудудларга чиқиб кетишини олдини олиш учун, паспортларини олиб қўйиш жорий қилинди.

2021 йилда зўравонлик экстремизми мафкураси билан боғлиқ диний уюшмаларнинг фаолияти тақиқлаш юзасидан қонунчилик ҳужжати қабул қилинди (<https://www.bmi.bund.de/SharedDocs/pressemitteilungen/DE/2014/09/verbot-islamischer-staat.html>; <https://www.bmi.bund.de/SharedDocs/kurzmeldungen/DE/2015/01/bundesregierung-beschließt-aenderungen-des-personalausweisgesetzes-und-passgesetzes.html>).

Ушбу ҳужжат мамлакатда радикал оқимларнинг очик ахборот-тарғибот ишлари ўтказилишига қарши кураш учун ҳуқуқий асос бўлди. Масалан, 2021 йил май ойида Германия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан аввал “рўйхатдан ўтган иттифок” мақомида бўлган “Ансаар интернэшнл” (нем. “Ansaar International e.V.”) номли исломий ташкилот фаолияти тўхтатилди. Ташкилот радикал салафий ғояларни тарғиб этиш баробарида, гуманитар ёрдам ниқоби остида “Жабҳат ан-Нусра” ташкилотини молиялаштириб келгани маълум бўлган (<https://www.verfassungsschutz.de/SharedDocs/kurzmeldungen/DE/2021/2021-05-05-verbot.html>).

Айни айтда Германия ҳукумати исломни “немислаштириш” мақсадида мусулмон ўқувчилар ўқийдиган мактабларда “Диншунослик” фанидан ўқув машғулотларини Германия университетларини тугатган ўқитувчилар ўтишларини тизимли йўлга қўйиш, маҳаллий диний кадрлар мамлакатдаги масжидларда имомлик қилишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жумладан, Германиядаги 10 та университетда илоҳиёт факультетларида мактаб ўқитувчилари

тайёрлашга ихтисослашган “Ислом илоҳиёти” ўқув фани киритилган.

Мусулмонларнинг катта диаспораси яшайдиган ҳудудлардаги мактабларда ушбу фанни ўқитиш бошланган. Машғулотлар билан 900 дан зиёд мактабларда 600 мингга яқин ўқувчилар қамраб олинган (<https://link.springer.com/article/10.1007/s41682-022-00120-5#ref-CR24>).

Шунингдек, ГИКнинг сўнгги йиғилишларида мамлакатда фаолият кўрсатаётган имомларни ойлик маош билан таъминлашда давлат қисман иштирок этиши масаласи мувофиқлаштирилган (Der Staat könnte Imame bezahlen – Herder Korrespondenz Hefte Heftarchiv 2022 Heft 4/2022. S. 25).

Франция Республикаси Европа Иттифоқида расмий давлат мафкураси дунёвийлик деб эълон қилинган ягона мамлакат ҳисобланади. Франция конституциясининг 1 бобига мувофиқ, мамлакат *“бўлинмас, дунёвий, демократик ва ижтимоий республика”* ҳисобланади. 2003 йилда конституциянинг ушбу бобига *“Франция Республикаси барча эътиқодий қарашларни ҳурмат қилади”* деган тузатиш киритилган.

2021 йилда Францияда аҳолининг сони 65,6 миллион нафарни ташкил этиб, унинг 7,5 фоизи, тахминан 4,4 миллион нафари мусулмонлардан иборат бўлган (<https://countrymeters.info/ru/France>).

2010-йилларнинг иккинчи ярмидан Европада содир этилган террорчилик ҳаракатларининг аксарият қисми Францияда содир этилди. Узоқ вақт давомида мамлакатнинг айрим ҳудудларида шаклланиб келган этноконфессионал анклавларда истикомат қилган ёшлар ИШИД ташкилотига аъзо бўлгани ва террорчилик ҳаракатларини амалга оширгани маълум бўлди.

Бундан ташқари маҳаллий экспертлар Францияда экстремистик фаолиятнинг кучайишига сабаб бўлган муҳим ижтимоий омил сифатида мактаб таълим тизимида сўнгги ўн йилликларда ўқувчиларда миллий бирдамлик қадриятларини шакллантириш, фуқаролик масъулияти ва ватанпарварлик руҳини шакллантиришга қаратилган ишларда қўпол камчиликларга йўл қўйилганини ҳам эътироф қилмоқдалар.

Жумладан 1970-йилларда мактаб ўқув дастурларидан тарбиявий компонент, яъни оила қадриятлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби мавзулар гўёки “буржуа ахлоқи” деб чиқариб ташланган. Таълим тизимидан миллий ватанпарварлик компонентининг чиқариб юборилиши баробарида, мамлакатда йирик мусулмон жамоатининг мавжудлиги исломни

радикал руҳда талқин қилувчи ғояларнинг Франция мактабларига кириб келишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Маълумки, 2020 йилнинг 16 октябрь куни Франциянинг Конфлан-Сент-Онорин шаҳарчасида 18 ёшли мактаб ўқувчиси томонидан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) га бағишланган карикатурани намойиш этгани учун тарих фани ўқитувчиси Самуэл Патини бошини танидан жудо қилингани француз жамиятида катта резонанс берди.

Ушбу мудҳиш жиноятни якка террорчилик сифатида эмас, балки француз мактабларида кўп йиллардан бери кучайиб бораётган радикаллашувнинг ҳамда мазкур ҳолатга давлат томонидан эътибор берилмай келинганининг мантикий натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

2020 йили Франция таълим вазирлиги бош инспектори Жан-Пьер Обен “Исломизм мактабларга қандай қилиб кириб келди?” номли китоб ёзган (Obin J., 2020:166).

Китобда баён этилган ҳолат нафақат Франция, балки Европадаги кўплаб мамлакатларга ҳос ҳисобланади. Ж.Обен француз мактабларида диний мутаассиблик кучайиб боришининг асосий сабаби сифатида айрим туманлардан европалик аҳоли тўлиқ кўчиб кетгани ва ушбу ҳудудларда ўз қонун-қоидалари билан яшайдиган “параллел” жамиятларга айланиб қолганини эътироф этади.

2012–2018 йилларда Францияда содир этилган 79 та террорчилик ҳужумларининг аксариятини айнан француз мактабларида таълим олган ёшлар содир этган.

Ж.Обен сиёсийлаштирилган ислом ғояларига қарши туришда сиёсий партияларнинг журъатсизлиги ҳамда таълим муассасалари раҳбариятининг гўёки “тартиб сақлаш ва гап-сўзга қолмаслик” мақсадида радикал шаклдаги “исломлашув”га қаршилик кўрсатмаслик, талаба-ўқувчиларнинг динга мутаассибона ёндашувларини пайқамасликка ҳаракат қилишлари ҳам вазиятни тобора мураккаблашиб боришига сабаб бўлаётганини таъкидлаган.

Мамлакатдаги ёшларнинг кўпчилиги радикаллашиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, 2015 йилдан буён Франция ҳукумати мактабларда “Дунёвий давлат куни”, “Фуқаролик ва миллий мудофаа куни”, “Расизм ва антисемитизм ҳафталиги”, ватанпарварлик мазмунидаги хотира кунларини ўтказишни йўлга қўйган.

Шунингдек радикал хулқни аниқлаш малакасига эга педагог-мутахассисларни тайёрлашни кучайтириш, аҳоли орасида диний радикаллашув

аломатлари бўйича маълумотларни тарқатиш, “француз исломи (Islam français)”ни шакллантириш, мактабларда дин маданияти курсини киритиш каби йўналишларда фаолият бошланган.

Бундан ташқари ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш мақсадида мактабларнинг дунёвий мазмунда экани ҳақида Хартия қабул қилинди. Ушбу Хартия 15 та моддадан иборат бўлиб, ўқувчи ва таълим тизими ходимлари ахлоқининг асосий тамойилларини белгилаб берган.

Жумладан, “Дунёвийлик Хартияси”га мувофиқ, ўқувчи ўзининг диний ёки сиёсий эътиқодини рўқач қилиб, ўқитувчининг ўқув дастури бўйича машғулот ўтказишига қаршилик қилмасликка мажбур.

Ўқувчиларга диний мансублик асосида мактабда жорий этилган тартибни бузиш ман этилган. Шунингдек мактабларда ўқувчилар ўзларининг диний мансублигини билдирувчи кийим кийиши ёки бирор нарса тақиб юриши мумкин эмас.

Таъкидлаш жоизки, Франциядаги марказлашган ислом ташкилотлари мусулмонлар орасида диний мутаассиблик, зўравонлик экстремизми ва радикализм ғояларини тарқалишига қарши курашда самара кўрсатаётгани йўқ. Бунинг асосий сабаблари сифатида ушбу мусулмон ташкилотлари хориждаги турли исломий марказларнинг ғоявий ва моддий кўмаги билан фаолият юритиши ҳамда француз дунёвий жамияти тамойилларига қарши эканликларини қайд этиш мумкин.

Жумладан, Франциядаги энг йирик исломий ташкилотлардан бири “Мусулмон ташкилотлари иттифоқи” ҳисобланади. Ташкилотнинг асосчилари Тунисдаги “Нахда” исломий партияси ва Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” уюшмаси тарафдорлари ҳисобланади. Асосий қароргоҳи Париж ёнидаги Сен-Дени шаҳарчасида жойлашган мазкур ташкилот ўзига тегишли интернет манбаларида Франция ҳукуматини исламофобия ва ирқчиликни қўллаб-қувватлашда айблаб келади.

“Мусулмон биродарлар” уюшмаси Францияда Туркиянинг “Милли Гёрюш” ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Уларнинг ҳаракати билан 1985 йили ташкил этилган Франция мусулмонлари миллий федерацияси мамлакатдаги юзлаб масжидларни назорат қилади.

Шу нуктаи назардан, Франция Президенти Эммануэль Макрон 2020 йил 2 октябрь куни “Республика ҳаракатда” номли чиқишида диний уюшмалар, масжидларни молиялаштириш ва имомларни ўқитиш устидан назорат кучайтирилишини таъкидлаган ([https://www.lavoixdunord.fr/873376/article/2020-10-02/plan-](https://www.lavoixdunord.fr/873376/article/2020-10-02/plan-de-lutte-contre-les-separatismes)

de-lutte-contre-les-separatismesmanuel-macron-devoile-son-plan-d-action).

Радикалашувни олдини олиш мақсадида Франция ҳукумати ва жамоат арбоблари мусулмонларнинг жамиятга тўлиқ интеграциялашуви йўлида мулоқот йўллариини изламоқда. 2000-йилларнинг бошида мусулмон жамоат арбоблари томонидан Страсбургда Франция мусулмонлари партиясига асос солинган. Бироқ ушбу партия мусулмон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланмади. 2003 йилда эса ички ишлар вазири Жан-Пьер Шевенеманнинг таклифи билан Франция мусулмон дини Кенгаши тузилган.

Ташкилотчиларнинг мақсадига кўра, ушбу Кенгаш француз мусулмонларининг катта қисмини қамраб олиши ва диаспоралар билан самарали алоқалар ўрнатишга хизмат қилиши лозим.

Айни пайтда Франция жамиятидаги хурфидрли мусулмонлар Ғарб қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда биргаликда ривожланиш ғояларини илгари сурмоқда. 2003 йилда Францияда дунёвий мусулмонлар Ҳаракати вужудга келди. Унинг иштирокчилари республикачилик ва демократия тамойилларини қўллаб-қувватлайдилар. Ҳаракатнинг таниқли фаолларидан бири аёллар ҳаракати иштирокчиси, мусулмон аёлларининг бурка ва ниқоб тақишига қарши чиқишлар қилиб келаётган Фадел Амар ҳисобланади (Долгов Б., 2016:121).

2021 йил 24 августдан эса дин асосида радикаллашувни олдини олишга йўналтирилган “Ислом сепаратизми тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Ушбу қонунда қуйидагилар кўзда тутилган:

– мусулмон анклавларидаги аҳолини ижтимоийлаштириш;

– араб тилини диний мактабларда назоратсиз ўқитилишини олдини олиш, шунингдек ушбу фанни илмий асосда давлат мактабларига киритиш;

– ижтимоий тармоқларда миллий ёки диний асосда адоват уйғотиш деб баҳоланадиган хатти-ҳаракатларга жарима жазо қўллаш;

– давлат хизматчиси ҳаётига таҳдид қилганларга уч йил қамок, қўрқитиш ва шантажга беш йил қамок ва 75 минг евро жарима жазосини қўллаш;

– диний ташкилотлар хориждан юборилган ҳомийлик ёрдами 10 минг евродан ошса, унинг манбасини декларацияда кўрсатиш;

– маъмурий ва давлат идоралари ходимларига ўз диний эътиқодларини намоиш этишни ман этиш, шунингдек ишчи-ходимларни эътиқодидан келиб чиққан ҳолда камситишни тақиқлаш (Фаустова М., 2021).

2022 йилда Франция мусулмон дини Кенгаши томонидан “Ислом тамойиллари хартияси” ишлаб чиқилди. Хартия ислом дини таълимоти ва талаблари республика тузумига зид келмаслиги, ислом ғояларидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслиги, хорижий давлатлар Франциядаги ислом таълимотига аралашмаслиги лозимлиги, эркаklar ва аёллар тенглиги каби тамойилларни ўз ичига олади (<https://iz.ru/1112535/2021-01-17/sovet-musulmanskogo-kulta-francii-soglasoval-khartiiu-printcipov-islama>).

ТАҲЛИЛ

Европа мамлакатларида радикаллашувнинг олдини олишга қаратилган дастурлар Яқин Шарқ, Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларидан фарқ қилади. Жумладан ислом оламига мансуб давлатларда дин ниқобидаги экстремизмга қарши курашда уламолар ва муқаддас манбалардан фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Европа мамлакатларида эса радикаллашувга қарши курашнинг асосий йўналиши сифатида мусулмон диаспораларини маҳаллий жамиятга тўлиқ интеграция қилиш кўрилмоқда.

Ушбу стратегия аввал иқтисодий, ижтимоий-сиёсий мазмундаги масалаларни, ишсизликни, жиноятчиликни, шаҳарларни “анклав”ларга бўлиниши ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишни назарда тутди.

Европа мамлакатларида радикаллашув ва экстремизмга қарши дастурларда маҳаллий ислом ташкилотлари ва диний уламоларнинг иштироки чегараланган даражада бўлмоқда. Ғарб давлатларида мусулмон мамлакатларидаги каби ислом ишлари бўйича вазирлик ёки муфтиятлар каби ягона бошқарув иерархиясига эга марказлашган тузилмалар мавжуд эмаслиги, шунингдек, таниқли уламоларнинг етишмаслиги сабабли зўравонлик экстремизмга қарши курашда маҳаллий ислом ташкилотлари катта самара кўрсата олаётгани йўқ.

Воқеликка Ғарб давлатларидаги айрим сиёсий доиралар томонидан дин ниқобидаги экстремистик ва террорчи ташкилотларга нисбатан “иккиламчи сиёсат” олиб борилаётгани, хусусан Европа мамлакатларида турли зўравонлик экстремизми ғояларини тарғиб қилувчи шахслар очик фаолият юритиб келиши ҳам вазиятга салбий таъсир ўтказаётганини қайд этиш лозим.

Буюк Британия ҳукумати томонидан сўнгги йилларда зўравонлик экстремизми ва радикаллашувга қарши кураш масаласига жиддий

этибор қаратилиб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буюк Британиянинг туб аҳолиси бўлган фуқароларининг ислом ниқоби остидаги экстремизмдан хавотирини ошиб бормоқда. “Pew Research Center” маркази томонидан 2017 йилда ўтказилган ижтимоий сўров Буюк Британиянинг 80 фоиз аҳолиси диний экстремизм муаммосидан ташвишда эканини кўрсатган (www.pewresearch.org).

“Hope Not Hate” ташкилотининг ҳисоботида кўра, мамлакат аҳолисининг 25 фоизи исломни “зўравонликни илгари сурувчи хавфли дин” сифатида қабул қилади, 52 фоизи эса исломнинг Европада тарқалишини Ғарб цивилизациясига таҳдид сифатида баҳолайди (Lowles N., 2019:104).

Шу билан бирга мусулмон жамоалари қайд этилган йўналишлардаги дастурлар доирасида қарор қабул қилишда кам иштирок этиши оқибатида давлат билан ўзаро тушунмовчиликлар мавжуд экани, маҳаллий маъмурият вакиллариининг мўътадил ислом таълимоти ва радикал мафкуралар орасидаги фарқ ҳақида етарли билимга эга эмасликлари, шунингдек салафий оқим вакиллари мусулмон жамоатлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари орасида кучли таъсирга эга бўлиб қолаётганликлари экстремизмга қарши кураш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Радикаллашувнинг олдини олишга жиддий тўсиқ бўлаётган ҳолатлардан бири Британия маъмурлари томонидан гўёки “зўравонликсиз” экстремизм ғояларини тарғиб қилувчи шахсларнинг тарғибот-ташвиқот фаолиятига қаршилик қилинмаётгани ҳисобланади. Қатор ақидапараст гуруҳлар бевосита зўравонликни тарғиб қилмаса-да, диний мутассиблик ғоялари билан Буюк Британия ёшларини радикаллаштиришда давом этмоқда.

Германия ҳукумати томонидан кўп йиллар давомида амалга ошириб келинган мультикультурализм сиёсати мамлакатда параллел “исломий жамиятлар” шаклланишига олиб келди. Ғарб демократиясида дин муайян маданиятга мансубликдан ортикча нарса бўла олмайди деган нотўғри тушунча оқибатида турли исломий ташкилотлар устидан етарли назорат ўрнатилмагани Германияда радикал салафий ғояларнинг кенг илдиз отишига қулай шароит яратди.

Айни пайтда Германияда “параллел мусулмон жамиятлари” шаклланиши баробарида, фуқаролик қадриятларидан диний мансубликнинг устун қўйилиши, жамоавий ҳуқуқнинг алоҳида шахснинг ҳуқуқларидан устувор кўрилиши мамлакат

худудидаги мактабларда радикал мазмундаги “исломлашув” жараёни кучайишига сабаб бўлмоқда.

2015 йил Қуйи Саксония криминал тадқиқотлар институти томонидан мактабларда ўтказилган сўровда иштирок этган мусулмон ёшларнинг 29,9 фоизи “ислом учун жанг қилиш ва қурбон бўлишга тайёр эканини”, 27,4 фоизи “шариат талаблари давлат қонунларидан устун экани”ни, 8 фоизи эса ИШИД ташкилотини қўллаб-қувватлашини маълум қилган (Андреева Л., 2021:139-148).

Фақат 2010-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Германия ҳукумати томонидан мамлакат ичида аввалги ўн йилликларда ҳаракатсизлик оқибатида мамлакатнинг мусулмон жамияти, айниқса ёшлар орасида чуқурлашиб кетган радикаллашувни бартараф этиш, унга олиб келувчи шарт-шароитларни йўқ қилиш йўналишида жиддий ишлар қилинмоқда.

Францияда мусулмонларнинг француз жамиятига тўлақонлик интеграцияси кузатилмайди. Мусулмон ёшларнинг салмоқли қисмида радикаллашув, иккинчи томондан, жамиятда исламофобия кайфияти ортиб бормоқда. 2018 йилда Парижда жойлашган Илмий тадқиқотлар Миллий маркази социологлари Анн Муксель ва Оливье Галланд томонидан ўтказилган тадқиқотда мактаб ўқувчиларининг 70 фоизи мамлакатда сўнгги йилларда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаганлар.

Тадқиқот таълим муассасаларида мусулмон ёшлар орасида диний мутаассиб ғояларнинг кенг тарқалиши оқибатида талаба ва ўқувчиларнинг учдан икки қисми Франция қонунларига эмас, балки ислом шариати талабларига риоя қилиш зарур деб ҳисоблашни кўрсатган. Шунингдек сўровда иштирок этган ўқувчиларнинг учдан бир қисми Франция жамияти ва маданияти билан буткул алоқаларини узганликларини таъкидлаган (Galland O., Muxel A., 2018:458).

Шу боисдан Франция ҳукумати ислом омили асосида радикаллашувнинг олдини олишда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, мусулмон жамияти билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ёшлар билан тарбиявий ишларни олиб боришга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратмоқда.

ХУЛОСА

Европа мамлакатларида зўравонлик экстремизми ва радикаллашувнинг олдини олишга қаратилган дастурларда асосий йўналишлар сифатида мусулмон диаспораларини маҳаллий жамиятга тўлиқ

интеграция қилиш, шунингдек давлат, маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокидаги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш эътироф этилмоқда.

Бирок, радикаллашувнинг олдини олиш лойиҳаларида маҳаллий ислом ташкилотлари ва диний уламоларининг кенг иштироки таъминланаётгани йўқ. Ғарб давлатларида ягона марказлашган мусулмон тузилмалар, шунингдек диндорлар, айниқса ёшларни эргаштира оладиган уламоларнинг деярли мавжуд эмаслиги зўравонлик экстремизми ва радикаллашувга қарши кураш самарасига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Буюк Британия, Германия ва Франция мамлакатларида таълим муассасалари, айниқса мактабларда талаба ва ўқувчи ёшлар орасидаги диний жиҳатдан мутаассиблашиш жараёнлари, ушбу ҳолатга маъмурият ва педагогларнинг гўёки “демократия” ва “плюрализм” тамойилларини бузиш сифатида баҳоланишидан чўчиган ҳолда принципиал муносабат билдирилмай келинаётгани, таълим тизимида дунёвийлик тамойилларини таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаслиги келгусида ушбу жамиятларда радикализм кучайиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

Истикболда Европа мамлакатларида барқарорлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг турли соҳаларида, хусусан, мусулмон анклавлар, ОАВ, масжидлар, таълим муассасалари, жазони ўташ муассасаларида дин ниқобидаги зўравонлик мафкурасини тарғибот қилувчиларнинг ахборот-тарғибот фаолияти олиб бориши имкониятларини қатъий чегаралаб қўйилиши, шунингдек ёшларда ҳурфикрилиқ, танқидий тафаккур, бағрикенглик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Буюк Британия, Германия ва Франция давлатлари каби Ўзбекистон кўп конфессияли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ушбу мамлакатлардаги радикализм ва экстремизм таҳдидларига қарши курашни, айниқса, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимоий реабилитация лойиҳаларини амалга ошириш, таълим тизимидаги ислохотларни ўтказиш йўналишидаги тажрибаларни тадқиқ этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Андреева Л. Исламизация Германии: “параллельное” мусульманское общество и светское государство. Современная Европа, 2019, № 5. – С. 110–121.

2. Андреева Л. Радикальный исламизм в школах Франции и Германии. Современная Европа, 2021, № 3. – С. 139–148.

3. Астахова А. Совет мусульманского культа Франции согласовал хартию принципов ислама. Сайт “ИЗВЕСТИЯ.iz”, 17.01.2021. <https://iz.ru/1112535/2021-01-17/sovet-musulmanskogo-kulta-francii-soglasoval-khartiiu-printcipov-islama>.

4. Vorabfassung // Berlin : Bundesministerium des Innern, 2009. – 324 s. URL: <https://web.archive.org/web/20100704214902/https://www.bmi.bund.de/SharedDocs/Pressemitteilungen/DE/2009/07/muslimbruderschaft.html>, Die Muslimbruderschaft in Deutschland. URL.

5. Galland O., Muxel A. La tentation radicale. Enquête auprès des lycéens. Paris: Presses Universitaires de France, 2018. – 458 p.

6. Deradicalizing Islamist extremists / Angel Rabasa, Stacie L. Pettyjohn, Jeremy J. Ghez, Christopher Boucek. RAND, 2010. – 214 p.

7. Долгов Б. Ислам во Франции: мусульмане и светская республика. “Россия и исламский мир”, 2016, № 4 (286). – С. 121.

8. За пять лет число мусульман в ФРГ возросло почти на миллион. Сайт “Deutsche Welle”, 28.04.2021 г. <http://85.217.170.64/ru/za-pjat-let-chislo-musulman-v-germanii-vozroslo-pochti-na-milليون/a-57367813>.

9. Lowles N. The state of hate-2019: people vs the elite. – London: Hope not hate, 2019. – 104 p.

10. Мухаметзарипов И. Европейские программы дерадикализации сторонников экстремистских и террористических организаций. Учебное пособие. – Казань: Издательство АНПТ, 2017. – С. 62-73.

11. Население Франции. Сайт “Countrymeters”. URL: <https://countrymeters.info/ru/France>.

12. Nachmani A. Europe and Its Muslim Minorities: Aspects of Conflict, Attempts at Accord. -Brighton, 2010. -P. 15.

13. Obin, J.-P. Comment on a laissé l’islamisme pénétrer l’école. Paris: Hermann Éditeurs, 2020. – 166 p.

14. Погорельская С. Германия и мультикультурализм. Актуальные проблемы Европы. Социологические науки. – 2011, 4. – С. 99. <https://cyberleninka.ru/article/n/germaniya-i-multikulturalizm/viewer>.

15. Погорельская С. Исламский терроризм: кейс ФРГ DOI: 10.31249/ape/2021.04.04 1, 2021. https://upe-journal.ru/files/2021_APE_4_Pogorelskaya_CB.pdf

16. Schröter S. (2019) Politischer Islam. Stresstest für Deutschland. Verlag: Gütersloher Verlagshaus.

17. Фаустова М. Франция приняла закон об исламском сепаратизме. Сайт “Независимая газета”, 31.08.2021 г. https://www.ng.ru/facts/2021-08-31/11_514_france.html

18. Яшлавский А.Э. Джихадисты из Европы на Ближнем Востоке: скрытая и явная угроза // Мировая экономика и международные отношения. 2015. №10. – С.18–29.

19. Yurdakul G. From Guest Workers into Muslims: The Transformation of Turkish Immigrant Associations in Germany.GBR: Cambridge Scholars Publishing, 2009. – С. 90.

20. Wagner J. Die Macht der Moschee. Freiburg, Basel. Wien: Herder, 2018. – 304 p.

21. [www.verfassungsschutz.de / download/ SHOW/vsbericht 2009. Pdf.](http://www.verfassungsschutz.de/download/SHOW/vsbericht2009.pdf)

22. www.kas.de/web/islamismus/diemuslimbruderschaft-in-deutschland. Verfassungsschutzbericht 2009.

23. [www.focus.de /politik/deutschland/verfassungsschutz-machtlos-radikale-imame-rufen-in-deutschen-moscheen-zu-hass-auf_id_9918828](http://www.focus.de/politik/deutschland/verfassungsschutz-machtlos-radikale-imame-rufen-in-deutschen-moscheen-zu-hass-auf_id_9918828.html). Radikale Imame rufen in deutschen Moscheen zu Hass auf. URL

24. [www.lavoixdunord. fr/ 873376/article/2020-10-02/plan-de-lutte-contre -les-separatismes-emmanuel-macron-devoile-son-plan-d-action](http://www.lavoixdunord.fr/873376/article/2020-10-02/plan-de-lutte-contre-les-separatismes-emmanuel-macron-devoile-son-plan-d-action). Emmanuel Macron dévoile son projet contre les “séparatismes”. URL

25. www.islam.de/8368.php. In Europa leben gegenwärtigknapp 53 Millionen Muslime. Zentralinstitut Islam-Archivstellneue Europastatistikvor. 08.05.2007.

26. www.pewresearch.org. Poushter J. Majorities in Europe, North America worried about Islamic extremism. Сайт “Pewresearch.org”, 25.10.2019.

27. www.bmfsfj.de/blob/115448/cc142d640b37. The Federal Government Strategy to Prevent Extremism and Promote Democracy // 28.12.2019.

28. [www.igmg.de/index.php.module=ContentExpress&func= display&ceid=191&bid=18&btitel e=&meid=247](http://www.igmg.de/index.php.module=ContentExpress&func=display&ceid=191&bid=18&btitel=&meid=247). Das islamische Portal / Islamische Gesellschaft “Milli Görüs”. – Mode of access.

REFERENCES:

1. Andreeva L. Islamizatsiya Germanii: “parallelnoe” musulmanskoe obshestvo i svetskoe gosudarstvo. Sovremennaya Yevropa, 2019, № 5. – S. 110–121.

2. Andreeva L. Radikalniy islamizm v shkolax Fransii i Germanii. Sovremennaya Yevropa, 2021, № 3. – S. 139–148.

3. Astaxova A. Sovet musulmanskogo kulta Fransii soglasoval xartiyu prinsipov islama. Sayt “IZVESTIYa.iz”, 17.01.2021. <https://iz.ru/1112535/2021-01-17/sovet-musulmanskogo-kulta-francii-soglasoval-khartiiu-printcipov-islama>.

4. Vorabfassung // Berlin : Bundesministerium des Innern, 2009. – 324 s. URL: <https://web.archive.org/web/20100704214902/https://www.bmi.bund.de/SharedDocs/Pressemitteilungen/DE/2009/07/muslimbruderschaft.html>

20100704214902/, Die Muslimbruderschaft in Deutschland. URL.

5. Galland O., Muxel A. La tentation radicale. Enquête auprès des lycéens. Paris: Presses Universitaires de France, 2018. – 458 p.

6. Deradicalizing Islamist extremists / Angel Rabasa, Stacie L. Pettyjohn, Jeremy J. Ghez, Christopher Boucek. RAND, 2010. – 214 p.

7. Dolgov B. Islam vo Fransii: musulmane i svetskaya respublika. “Rossiya i islamskiy mir”, 2016, № 4 (286). –S. 121.

8. Za pyat let chislo musulman v FRG vozroslo pochti na million. Sayt “Deutsche Welle”, 28.04.2021 г. <http://85.217.170.64/ru/za-pyat-let-chislo-musulman-v-germanii-vozroslo-pochti-na-million/a-57367813>.

9. Lowles N. The state of hate-2019: people vs the elite. – London: Hope not hate, 2019. – 104 p.

10. Muxametzaripov I. Yevropeyskie programmi deradikalizatsii storonnikov ekstremistskix i terroristicheskix organizatsiy. Uchebnoe posobie. – Kazan: Izdatelstvo ANRT, 2017. – S. 62-73.

11. Naselenie Fransii. Sayt “Countrymeters”. URL: <https://countrymeters.info/ru/France>.

12. Nachmani A. Europe and Its Muslim Minorities: Aspects of Conflict, Attempts at Accord. -Brighton, 2010. -P. 15.

13. Obin, J.-P. Comment on a laissé l’islamisme pénétrer l’école. Paris: Hermann Éditeurs, 2020. – 166 p.

14. Pogorelskaya S. Germaniya i multikulturalizm. Aktualnie problemi Yevropi. Sotsiologicheskie nauki. – 2011, 4. – C. 99. <https://cyberleninka.ru/article/n/germaniya-i-multikulturalizm/viewer>.

15. Pogorelskaya S. Islamskiy terrorizm: keys FRG DOI: 10.31249/ape/2021.04.04 1, 2021. https://upe-journal.ru/files/2021_APE_4_Pogorelskaya_CB.pdf

16. Schröter S. (2019) Politischer Islam. Stresstest für Deutschland. Verlag: Gütersloher Verlagshaus.

17. Faustova M. Fransiya prinyala zakon ob islamskom separatizme. Sayt “Nezavisimaya gazeta”, 31.08.2021 g. https://www.ng.ru/facts/2021-08-31/11_514_france.html

18. Yashlavskiy A.E. Djixadisti iz Yevropi na Blijnem Vostoke: skritaya i yavnaya ugroza // Mirovaya ekonomika i mejdunarodnie otnosheniya. 2015. №10. – S.18–29.

19. Yurdakul G. From Guest Workers into Muslims: The Transformation of Turkish Immigrant Associations in Germany. GBR: Cambridge Scholars Publishing, 2009. – C. 90.

20. Wagner J. Die Macht der Moschee. Freiburg, Basel. Wien: Herder, 2018. – 304 r.

21. [www.verfassungsschutz.de / download/ SHOW/ vsbericht 2009. Pdf.](http://www.verfassungsschutz.de/download/SHOW/vsbericht2009.pdf)

22. [www.kas.de /web/ islamismus/diemuslimbruderschaft-in-deutschland.Verfassungsschutzberic ht 2009.](http://www.kas.de/web/islamismus/diemuslimbruderschaft-in-deutschland.Verfassungsschutzbericht2009)

23. www.focus.de/politik/deutschland/verfassungsschutz-machtlos-radikale-imame-rufen-in-deutschen-moscheen-zu-hass-auf_id_9918828. Radikale Imame rufen in deutschen Moscheen zu Hass auf. URL

24. [www.lavoixdunord. fr/ 873376/article/2020-10-02/ plan-de-lutte-contre -les-separatismes-emmanuel-macron-devoile-son-plan-d-action](http://www.lavoixdunord.fr/873376/article/2020-10-02/plan-de-lutte-contre-les-separatismes-emmanuel-macron-devoile-son-plan-d-action). Emmanuel Macron dévoile son projet contre les “séparatismes”. URL

25. www.islam.de/8368.php. In Europa leben gegenwärtig knapp 53 Millionen Muslime. Zentralinstitut Islam-Archiv stellt neue Europastatistik vor. 08.05.2007.

26. www.pewresearch.org. Poushter J. Majorities in Europe, North America worried about Islamic extremism. Sayt “Pewresearch.org”, 25.10.2019.

27. www.bmfsfj.de/blob/115448/cc142d640b37. The Federal Government Strategy to Prevent Extremism and Promote Democracy // 28.12.2019.

28. [www.igmg.de/index.php.module=Content Express func= display&ceid=191&bid=18&btile= &meid=247](http://www.igmg.de/index.php.module=ContentExpressfunc=display&ceid=191&bid=18&btile=&meid=247). Das islamische Portal / Islamische Gesellschaft “Milli Görüs”. – Mode of access.